

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВ АНВАР ЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ТАРИХИЙ  
ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Рўзиев Анвар Жуманазарович**

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий дунёқараш

ва миллий ўзликни англаш масалалари ..... 3

**Рузиев Анвар Жуманазарович**

Вопросы исторического мировоззрения и национального самосознания в  
годы независимости Узбекистана..... 19

**Ruziev Anvar Jumanazarovich**

Issues of historical world outlook and national self-consciousness in the years of  
Uzbekistan's independence..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВ АНВАР ЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ТАРИХИЙ  
ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal163 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Сайимназар Каримович**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Маҳмудов Равшанбек Жалилович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ш.Негматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тобора кучайиб бораётган маданий интеграциялашув жараёнлари маънавий қадриятларга, миллий ўзликни англаш жараёнига, айниқса, миллатларнинг тарихига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, ҳозирги глобаллашув шароитида тарихий дунёқарашни шакллантириш орқали миллий ўзига хосликни асраб-авайлаш масаласи нафақат миллатлар тараққиётини таъминловчи омил, балки уларнинг яшаб қолишини кафолатлаш зарурати сифатида ҳам тан олинмоқда. Шу маънода инсоният цивилизацияси тараққиётини маданий хилма-хиллик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида таъминлаш, бунинг учун ҳар бир халқнинг инсоният умуммаданий ривожигаги ўрнини тан олиш, миллатларнинг ўз тарихи ва асрлар давомида шаклланган миллий хусусиятларини асраб қолиш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Жаҳон илм-фанида тарихий дунёқарашнинг моҳияти ва табиати, шаклланиш хусусиятлари ҳамда миллий ўзликни англаш масалаларини ўрганиш бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, дунёқарашда ўтмишга қараб мўлжал олиш, тарихий онг ҳамда хотиранинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаштириш, миллий-маданий юксалишда ворисийлик, миллий ўзликни англаш ҳамда тарихий дунёқарашнинг ролини тадқиқ этиш илмий муассасаларнинг асосий тадқиқот йўналишига айланди. Шу билан бирга, бугунги маданий универсаллашув жараёни кучайиб, халқларнинг идентлигига жиддий хавф солаётган бир пайтда тарихий дунёқарашни шакллантириш ва миллий ўзликни сақлаб қолиш ҳамда миллий хусусиятларни келажак авлодга етказиш, миллий маданиятнинг ворисийлигини таъминлаш илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли хил жабҳаларига нисбатан янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Мазкур ислоҳотларни миллийлигимизга асосланган маънавият, миллий ўзликни англаш, тарихий хотира ҳамда тарихий дунёқарашларсиз тасаввур этиб бўлмайди. “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам аҳоли, айниқса, ёшларда тарихий дунёқарашни шакллантириш ва юксалтириш, миллий ўзликни англашни кучайтириш ҳамда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. III-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.38.

“Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида” тўғрисида фармонлари, 2020 йил 8 октябрдаги ПФ-5598-сон “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармойиши, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тарихий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихийлик тамойилининг тарихий дунёқараш билан алоқадорлиги ҳамда тарихий дунёқараш шаклланишининг ижтимоий маданий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқлиги каби масалалар хорижлик олимлардан Х.Визер, П.Гамилтон, У.Моррислар<sup>1</sup> томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ олимларидан А.И.Ракитов, Н.С.Розов, А.Х.Самиев, Ю.И.Семёновлар<sup>2</sup> томонидан тарихий дунёқарашнинг фалсафий дунёқараш, тарихий онг ҳамда ижтимоий ўзликни англаш билан алоқадорлиги таҳлил этилган. Жумладан, тарихнинг бир бутунликда тасаввур ва ҳис этиш, англашнинг тарихий-гносеологик хусусиятлари, тарихийлик тамойилига асосланган ўтмишга нисбатан муносабат, баҳолашнинг аксиологик жиҳатлари, тарихий тараққиёт қонунларининг субъектив (онгда) акс этиш хусусиятлари каби масалалар атрофлича кўриб чиқилган.

Миллий тарихимизнинг фалсафий муаммолари билан мунтазам шуғулланган олимлардан Д.Алимова, Н.Жўраев, Б.Каримов, С.Каримов, Қ.Назаров, С.Отамуродов, Ф.Файзиев, С.Чориев, Р.Шодиев, Қ.Шодмонов, Ж.Яхшилик<sup>3</sup> ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш лозим. Улар асарларида тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англашнинг турли жиҳатлари акс эттирилган. Аммо, юқорида тилга олинган муаллифларнинг ишлари аҳамиятини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, улар ўз асарларида тарихий дунёқараш тушунчаси моҳиятини очиқ бериш

<sup>1</sup> Hamilton P. *Historicism: The New Critical Idiom*. New York, 1996; Morris W. *Toward a New Historicism*. Princeton N.J, 1972; Veese H. *The New Historicism*. New York, 1989;

<sup>2</sup> Розов Н. *Философия и теория истории. Книга 1. Прологомены*. - М.: Логос, 2002., Самиев А.Х. *Историческое сознание как самопознание общества*. - Душанбе, 2009.

<sup>3</sup> Абдуллажоннова Д.С. *Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)*. Фалс. фанл. номзод. дис. Автореферати. – Тошкент, 2006; Жўраев Н. *Тарих фалсафасининг назарий асослари*. – Тошкент: Маънавият, 2008.

вазифасини қўйишмаган. Балки, тарих ва фалсафа фанларининг бошқа фундаментал масалаларини ўрганиш баробарида бу масалага ҳам қисман муносабат билдириб ўтишган, холос.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон худудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022) мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик йилларида тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англаш масалаларини фалсафий жиҳатдан очиб бериш, ёшларда тарихий дунёқарашни шакллантириш орқали миллий ўзликни англашни кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“тарихий дунёқараш” тушунчаси: моҳияти, ижтимоий ва фалсафий негизларини тадқиқ этиш;

тарихий дунёқарашнинг миллий ва умуминсоний жиҳатларини комплекс-тизимли ўрганиш;

тарихий дунёқарашнинг миллий ўзликни англаш жараёнида намоён бўлиш механизмларини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда ёшларни тарихий дунёқарашни шаклланиши ва ривожланишининг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш;

маънавий таҳдидлар шароитида ёшлар тарихий дунёқарашининг миллий ўзликни англашдаги ўрнини асослаш;

ёшлар тарихий дунёқарашини ривожлантиришнинг институционал тизимлари ва тенденцияларини назарий концептуал ҳамда категориал жиҳатдан тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англаш масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** тарихий дунёқараш ҳамда миллий ўзликни англашнинг моҳияти, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг шаклланиб, такомиллашиб бориши омиллари ва тенденцияларини илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстрактлаштириш ва умумлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик, социометрик сўров сингари усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

воқеликка муносабат, дахлдорлик ҳиссиёти, мафкуравий таъсир ҳамда ижтимоий тараққиёт мақсадлари “тарихий дунёқараш” ҳодисасининг детерминистик сифатлари сифатида намоён бўлиши мантикий исботланган;

тарихий дунёқарашда нафақат тарихни билишга интилиш, балки унга қадриятли муносабатда бўлиш орқали ўзликни англаш ҳамда дунёни

фалсафий жиҳатдан идрок этиш, тушуниш ва хулоса чиқариш каби имманент белгиларининг устуворлашуви давр характери негизида асослаб берилган;

хулқ-атворга оид замонавий муаммолар ечимига янгича ёндашувни ишлаб чиқишда “Ўтмиш-бугун-келажак” тамойилининг устуворлиги сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик каби фалсафий категориялари асосида далилланган;

ёшларнинг тарихга, миллий урф-одатларга бўлган позитив муносабатини янада фаоллаштиришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг оила, тарих, миллий мерос, анъана, урф-одатга доир таъсирчан маълумотлар базасини кенгайтириш зарурлиги социометрик сўров асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз аҳолиси айниқса ёшларнинг тарихий дунёқарашини ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш лозимлиги асослаб берилган ва тарихий дунёқарашни шаклланиши масалалари ёритилган илмий адабиётлар тизимлаштирилган;

тарихий дунёқарашнинг миллий ўзликни англаш жараёнига таъсирининг ижобий хусусиятидан келиб чиқиб унинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда янада такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшларнинг тарихий дунёқарашини шаклланишини ва миллий ўзликни англашнинг объектив шарт-шароитлари ва таъсир этувчи субъектив омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик аниқланган;

ёш авлод тарихий дунёқарашини шакллантириш бўйича давлатнинг ёшларга оид сиёсатини янада фаоллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда берилган хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги назарий хулосалар ва методологик тавсияларнинг жамият тараққиёти йўлида тарихий онг ва тарихий дунёқарашни шакллантирувчи илмий концепцияларни, таълимотларни яратишга назарий-методологик асос бўлиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда, Олий ўқув юртлари, ОАВ фаолияти, шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат Маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятида қўлланилиши мумкин бўлган ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақиллик йилларида тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англаш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар асосида:

фалсафий дунёқарашнинг махсус ифодаси сифатида тарихий дунёқараш тушунчасининг воқеликка муносабат, дахлдорлик хиссиёти, мафкуравий таъсир, ижтимоий тараққиёт мақсадлари каби детерминистик сифатлари “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Комил инсон ва баркамол авлодга хос бўлган фазилатлар, баркамоллик сифатлари ва мезонлари”, “Комил инсон шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар” каби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2491-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ахлоқий камолотида тарихий дунёқарашнинг аҳамиятига доир концептуал фикрлар такомиллаштиришга хизмат қилган.

тарихий дунёқараш ва тарихий онг ўртасидаги тарихни фалсафий англаш, ўзликни англаш, тарих моҳиятини билишга зарурият ва интилиш сингари интеграционал хусусиятлари ҳамда дунёни фалсафий жиҳатдан идрок этиш, тушуниш ва хулоса чиқариш каби имманент жиҳатларига оид илмий асосланган таклиф-тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Баркамол авлоднинг шаклланиши, унга хос хусусиятлар: янгича тафаккур, фалсафий дунёқараш, маънавий ахлоқий поклик, юксак маънавият” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2491-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз аҳолисини янада жипслаштириш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда мафкуравий иммунитетни оширишда тарихий дунёқарашнинг аҳамиятини далиллашга хизмат қилган.

ёшлар тарихий дунёқарашини ва ўзлигини англашда оммавий ахборот востиялари ва ижтимоий тармоқлар ҳамда миллий урф-одатларнинг позитив ва динамик таъсирини очиб беришга қаратилган таклиф ва тавсияларидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Энг юқори рейтингли тиббиёт олий таълим муассасаси, илмий тадқиқот институтлари ва илмий амалий марказлари” танлови тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8-9-8/709-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз аҳолисини миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий камолоти бўйича олиб борилаётган ва эришилган улкан, тарихий натижаларнинг умумлашмалари илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган.

хулқ-атворга оид замонавий муаммолар ечимига янгича ёндашувни шакллантиришда тарихий дунёқарашнинг зарурлигига доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 май куни эфирга узатилган “Мафтункор диёр” телекўрсатувининг дастур сценарийсини тузишда фойдаланилган (Жиззах

вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 20 июлдаги 02-09/593-сон маълумотномаси). Натижада, теле ва радио кўрсатувларнинг маънавий-маданий салоҳиятини кўтарилишига ва ҳозирги глобаллашув даврида турли ёт ғоя ва маънавий хуружларга қарши кураша оладиган ёшлар дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (3 та Республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг **“Тарихий дунёқараш ва унинг назарий-методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унинг **“Тарихий дунёқараш”** тушунчаси: моҳияти, ижтимоий ва фалсафий негизлари деб номланган биринчи параграфда диссертант томонидан **“тарих”** ва **“дунёқараш”** тушунчаларини таҳлил қилган ҳолда **“тарихий дунёқараш”** тушунчасига, тарихий дунёқараш – деб тарихий макон ва замонда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимига айтилади, деган фалсафий таъриф берилган.

Шунингдек, **“дунёқараш”** фалсафанинг энг муҳим категорияларидан бири бўлиб, ҳар бир шахснинг борлиққа бўлган муносабатларининг йиғиндисиدير. Аждодлар тарихини билиш, уни авлодларга етказиш тарихий заруратдир. Бу зарурат ҳаётни тушуниш, оламни англаш, одамни олий мавжудот сифатидаги қадриятини идрок этиш орқали бутун инсоният тарихини англашга даъват этади. Бундай маънавий-руҳий эҳтиёж комиллик ва етукликка интилиш ҳиссини уйғотади. Ана шу ички туйғу инсоннинг ўз

ўтмишига, ўтмишдошларига ва аждодларига, улар қолдирган меросга қизиқиш билан қарашни тақозо этади. Бу каби маънавий-руҳий эҳтиёж унинг тарихий дунёқарашни чуқурлашишига ва шу тафаккур орқали истиқболни аниқ белгилаб олишга имкон яратади, тарихий масъулиятни оширади.

Ушбу бобда юқоридаги фикрларни исботи сифатида “тарихий дунёқараш”, тарихий онг ва тарихий хотира тушунчалари илмий-фалсафий тадқиқ этилиб, “Тарихий дунёқараш” тушунчасининг ҳозирги шароитда мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса ёшларнинг тарихга бўлган муносабати, ижтимоий ҳаётга алоқадорлиги, миллий ва диний қадриятлар негизида тарихий дунёқарашнинг таъсири, хусусиятлари ёритилган.

Тарихий дунёқарашнинг моҳияти – ўзбек халқининг мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш, халқнинг тарихий хотирасини уйғотиш, аждодлардан ёдгорлик сифатида ўтиб келаётган моддий ва маънавий аҳамиятга молик бўлган меросларни чуқур ўрганиш; буюк аждодларимизнинг илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият, ҳарбий саркардалик каби соҳаларда жаҳон халқлари цивилизацияларига қўшган ҳиссасини намойиш қилиш орқали ёшларни инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан белгиланиши ёритилган.

Тарихий дунёқарашнинг ижтимоий ва фалсафий негизларини макон ва замон ўлчовларига мос равишда, биринчидан, ўзининг моддий ва маънавий жиҳатдан реал мавжудлигига эга бўлган ўзбек халқининг борлиги; иккинчидан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаёти қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, миқдордан сифатга ва аксинча, инкорни инкор шаклида диалектика ва синергетика қонун ва тамойиллари асосида кечаётганлиги, учинчидан, Ўзбекистон халқининг бой фалсафий меросга эга эканлиги, улардан ёшларнинг фалсафий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланилаётганлиги ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида исботланган.

Биринчи бобнинг “Хотира ва тарихий онг тарихий дунёқарашнинг муҳим компоненти сифатида” деб номланган иккинчи параграфиди, тадқиқотчи тарихий дунёқарашнинг фалсафий дунёқараш тизимидаги ўрнини таҳлил қилар экан, тарихий дунёқарашнинг фалсафий дунёқараш учун фактик моддий-маънавий манба вазифасини ўташи, фалсафий дунёқарашнинг эса тарихий дунёқараш учун методологик аҳамият касб этишини қайд қилган. Шунга кўра, тарихий дунёқарашнинг компонентлари (лотинча-componens, componntis-ташқил этувчи; таркибий қисм) жумласига тарихий хотира ва тарихий онгни киритади. Тарихий хотира деб тарихий макон ва замонда бўлиб ўтган воқеа, ҳодисаларни ёдда сақлаш, уларни эслаш ёки хотирлаш жараёнига айтилади.

Хотира – атроф муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс эттирувчи эса олиб қолиш, эса тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий

ходиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (эслаб қолиш, эсда сақлаш) хотира, фаолият<sup>1</sup>.

Тарихий хотира тарихий дунёқарашни шакллантиришда етакчи роллардан бирини бажаради. Бунга ҳар йили мамлакатимизда илм-фан ва дин соҳасида улкан кашфиётларни амалга оширган буюк бобокolonларимизни хотирлаш, уларга бағишлаб китоблар ёзиш, кинофильмлар яратиш, мустақиллик учун курашганларни ёдга олиш, уларнинг ибратли ишларига бағишланган музейларни ташкил қилиш ва шу кабиларни қуйидаги статистик маълумотлар 37 та театр, 350 та музей, 225 та боғлар, 7476 та маданий мерослар<sup>2</sup> мавжзулиги мисолида ишончли далил сифатида келтирган.

Тарихий онг – бу индивид, жамоа, элат, миллат, халқларнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақидаги кундалик идрок ва тасаввурлари, билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик тамойили асосида чиқарган илмий-амалий хулосаларининг яхлит тизимидир. Бу тизим тарихий дунёқарашнинг муҳим компоненти сифатида билимлар, тасаввурлар, қарашлар, анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, ғоялар, концепциялар, фикрларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, улар воситасида индивид, жамоа, элат, миллат ва халқларда ўзларининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги энг муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк фан ва жамоат арбоблар, шунингдек ўзларининг келажаги тўғрисида муайян ижобий тасаввурларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Диссертациянинг “Миллий ўзликни англашнинг тарихий-фалсафий жиҳатлари” деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, унинг “Тарихий дунёқарашнинг миллий ўзликни англашда намоён бўлиш хусусиятлари” деб номланган биринчи параграфида давлат ва сиёсат арбоблари Ислом Каримов, Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизнинг файласуф олимлар С.Отамуратов, И.Хўжамуродов, М.Абдураимова, И.Эргашев ва бошқаларнинг<sup>3</sup> “миллат” ва “миллийлик”, “миллий ўзликни англаш” тушунчаларига берган таърифларини методологик асоси қилиб олган ҳолда миллий ўзликни англаш – бу бирон бир шахс, жамоа, элат, миллат ва халқларнинг ўзлари мансуб бўлган миллатларнинг тили, ҳудуди, маънавияти, қадриятлари, мероси ва менталитетига чуқур ҳурмат бажо келтириб, уни амалда ривожлантириш учун қилиши зарур бўлган фаолиятини англаб етишидир, деган хулосага келган.

Миллий ўзликни англаш миллийликка мансуб барча хусусият ва жиҳатларни кўзда тутди. Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашга интилиши ва уни кўз қорачиғидек сақлаши миллат учун характерли жиҳатдир. Ўзбек халқи миллат бўлиб шаклланган ва ундан кейинги ижтимоий – иқтисодий жараёнларда юзага келган миллий ўзликка хос белги ва хусусиятлар шароитлар ўзгарганда ҳам миллий ўзликни ташкил этувчи

<sup>1</sup> Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг роли (Абдуқодир Гийлоний асарларининг фалсафий таҳлили). - Тошкент: Chahma Print МЧЖ нашриёти, 2013. –Б.12.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг статистика ва ҳисоботлари. <http://madaniyat.uz>

<sup>3</sup> Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.114; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук, 2010. – Б.101; Эргашев И. Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. – Т.: Академия, 2011. – Б. 19.

омиллар сифатида сақланиб қолаверади. Чунки ҳар қандай миллат, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам тарихий тараққиёт мобайнида хўжалик, ижтимоий, маданий фаолият, фан, адабиёт, санъат ва диний қарашлар соҳасида тўпланган тажрибаларидан фойдаланиш билан бир вақтда, уларни авлоддан – авлодга мерос қолдиради.

Миллий ўзликни англашнинг моҳияти ва тузилмаси миллатнинг анъанавий қадриятлари: жамоавийлик, эътиқодлилиқ, Ватанга таяниш, ўзини чеклаш, юксак маънавий ғоялар, мустаҳкам оила, маънавийликни моддийликдан устунлиги, фидойилиқ, бағрикенглиқ, миллатпарварлик, бурчнинг истеъмолчилиқ ва худбинликдан устунлиги, муҳаббат ва адолатнинг кучли кишининг ҳуқуқидан устун туриши, умумий мақсадга хизмат қилиш, ҳақиқатга садоқат, миллий ва диний қадриятларни эъзозлаш, муқаддас нарсаларга садоқатлар билан чамбарчас боғлиқликдан иборатдир.

Муайян миллатга мансуб инсоннинг ўзини – ўзи англаши миллатнинг ўтмиши, тарихий тараққиёт йўли, насл-насаби, авлоду аجدодларининг ким бўлганлиги, уларнинг жаҳон илм-фани маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини, тутган ўрнини билиб олишдир.

Миллий ўзликни англаш масаласи миллат билан боғлиқ муаммоларнинг негизи ҳисобланади. Ҳар қандай инсон қайси миллатнинг вакили бўлмасин, энг аввало, у ўз миллатининг тарихи ва келажаги билан қизиқади, ўзининг шахсий ҳаётини ундан ажралган ҳолда тасаввур эта олмайди. Унинг қалбида ўз миллатини севиш ва унга хизмат қилиш каби туйғулар мавжуд бўлади. Бу нарсалар миллий психология ва миллий онгда ўз аксини топган бўлиб, уларсиз миллий оннинг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги юқорида эътироф этилган ана шу жиҳатлар билан белгиланади. Миллий ўзликни англаш муаммоси жаҳоннинг барча мамлакатларига алоқадор бўлган интеграция жараёни суръатларининг тезлашиб бориши билан янада долзарблиқ касб этади.

Ушбу бобда миллий ўзликни англашнинг тарихий жиҳатлари, ижтимоий фалсафий хусусиятлари ҳамда миллий ўзликни англашда тарихий дунёқарашни ривожлантирувчи омиллар тадқиқ этилади. Режа доирасида етакчи олимларнинг фикрларидан иқтибослар келтирилиб, тегишли илмий ва амалий тавсиялар беришга ҳаракат қилинади.

Шу борада, миллий ўзликни англаш ўзини ўзи англашдан бошланишини таъкидлаган ҳолда, профессор Б.Очилованинг “Муайян миллатга мансуб инсоннинг ўзини-ўзи англаши миллатнинг ўтмиши, тарихий тараққиёт йўли, насл-насаби, авлоду аجدодларининг ким бўлганлиги, уларнинг жаҳон илм-фани маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини, тутган ўрнини билиб олишдир”<sup>1</sup>, – деган таърифига қўшилади. Шунингдек, тадқиқотчи фалсафа тарихида ўзини-ўзи англаш масаласи борасида қадимги юнон файласуфи Сукротнинг билиш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланиши, “Авесто”да инсоннинг ўзлигини англаш унинг тупроғи, она Ватани, табиий

<sup>1</sup> Очилова Б. Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурур. // *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5488](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5488)

муҳитини севиш ва асраш билан боғлиқлиги, Ислом динида кимки ўзлигини таниса, у раббини таниши, Ғаззолийнинг инсон ўзини, ўзлигини таниганда, ҳамда ўзини камолга етказгандагина ўзгани ва Худони танийди, Ғарб мутафаккирларидан Гегель, Карл Ясперс, Жан Поль Сартр, Альберт Камью ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар тарихий фалсафий жиҳатларни очиб берган.

Иккинчи бобнинг “Миллий ўзликни англаш жараёнида тарихий онг ва тарихий дунёқарашни ривожлантирувчи омиллар” номли иккинчи параграфида, сўнгги вақтларда кадриятлар тизими доирасидаги ўзгаришлар жамият олдига янги муаммоларни келтириб чиқараётганлигини, уларни ҳал этиш учун глобаллашув шароитида турли маданиятга эга бўлган жамиятлар ва унинг аъзолари учун бирга ҳаёт кечиришнинг барчага мос келувчи тамойилларини ишлаб чиқиш масаласининг долзарблиги каби масалалар ёритилган. Шунингдек, миллий-маънавий кадриятлар тизими глобаллашувнинг салбий таъсирларига қарши тура олиши мумкин бўлган асосий маънавий омиллардан бири бўлиб, айти пайтда бу омилнинг ўзи ҳам глобаллашувнинг таъсири остида қолмоқда.

Бугунги глобаллашув замонида ҳар хил миллатларга тегишли бўлган ўзаро миллий кадриятларнинг мулоқотини ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятлар мулоқотини амалга ошириш имконияти долзарб муаммога айланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маданият ва кадриятларнинг яшовчанлиги уларнинг бошқа маданият ва кадриятлар билан мулоқотда бўла олиши, зарур бўлганда уларга қарши тура билиши, толерантлиги, мослашувчанлиги каби хусусиятлар билан белгиланади. Кадриятлар шунинг учун ҳам кадриятки, улар юқорида санаб ўтилган хусусиятларига биноан бошқа кадриятларга ўрнини дарҳол бўшатиб бермайдилар. Улар мулоқот олиб боришга интиладилар. Бундай кадриятлар ўзаро муносабати томонларнинг бир-биридан фарқли ва шу билан бирга ўзига хос белгиларини англаб етиши, ўзга маданиятни тан ола билиши, кўпчилик томонидан эътироф этилиши мумкин бўлган умуминсоний кадриятларни таклиф эта билиши, ҳамда ўз манфаатларига мос равишда уларни ҳимоя қила олиши каби имкониятлар мавжуд бўлгандагина амалга ошиши мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида бундан 1,2 млн йил илгари дастлабки одамларнинг яшаганлиги, яъни ўзбек халқининг қадимий халқ эканлигини исботловчи тарихий далилларнинг мавжудлиги; инсоният тарихида дастлабки суръатларни чизганликлари ва мусиқа асбобларини яратиб, ундан куй ва кўшиқлар ижро этганликлари; инсоният тарихида биринчилардан бўлиб давлат қурганликлари; мустақиллик учун ажнабий босқинчиларга қарши курашда мислсиз жасорат кўрсатган аждодлар хотирасининг мангуликка дахлдорлиги; Турон цивилизациясига асос солганлиги, биринчи ва иккинчи Ренесанс ўчоқларидан бири бўлганлиги; тарихий ривожланиш босқичларида бир қатор тараққиёт ва таназзулларни бошдан кечирганликлари; мустақилликни қўлга киритиб ўзининг мустақил иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама ривожлантираётганлиги, ўз она тилининг

миллий ўзликни англаш жараёнида тарихий хотира ва тарихий онгни янада ривожлантириб янгича тарихий дунёқарашни шакллантиришда асосий омил бўлаётганлиги катта бир қатор инкор қилиб бўлмайдиган далиллар асосида ёритиб берилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда маънавий янгиланишлар шароитида шахс тарихий дунёқараш ва ўзликни англашнинг тарбиявий аҳамияти” деб номланган учинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, унинг “Маънавий таҳдидлар шароитида шахс тарихий дунёқарашининг миллий ўзликни англашдаги ўрни” номли биринчи параграфидан профессорлар Ж.Я.Яхшиликков ва Н.Э.Муҳаммадиевлар томонидан “Таҳдид деб, макон ва замонда мавжуд бўлган реал жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини заифлаштиришга, қолаверса, емиришга қаратилган шахсий, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий миллатнинг кўрқитиш, дўк, пўписа қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларига айтилади”<sup>1</sup>, – деган таърифни эътироф этиб, Ислом Каримовнинг: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим»<sup>2</sup>, – деган фикрларини методологик асос қилиб олган ҳолда глобаллашув шароитида ўзбек халқини руҳий-маънавий парокандаликка дучор қилиш учун қилинаётган маънавий таҳдидларга қарши курашда ёшларнинг тарихий дунёқарашини шакллантириш ва миллий ўзлигини англашнинг услуб ва воситаларидан фойдаланиш: ҳаракатчанлик мезонлари бўйича-тезкорлик ва узлуксизлик; ёндашувчилик мезонлари бўйича-миллийлик, тарихийлик ва мантиқийлик; кўламлилиқ мезонлари бўйича-кенг қамровлилиқ; мулоқот мезонлари бўйича-якка тартибда суҳбат; чора-тадбирлар мезонлари бўйича-қонунийлик, ошкоралиқ, кечиримлилиқ, бағрикенглиқ; тарих фалсафасининг методологик мезонлари бўйича-тарихий онг, тарихий хотира, тарихий тафаккур кабиларни шакллантириш ва ривожлантириш кабиларга ажратиб таснифланган ва тавсифланган. Уларнинг глобаллашув шароитида юз бераётган маънавий таҳдидларга қарши кураш олиб тарихий дунёқарашни шакллантириш ва миллий ўзликни англашни кучайтириш борасидаги ўрни аниқ далиллар асосида ёритиб берилган.

Учинчи бобнинг “Шахсда тарихий дунёқарашни ривожлантиришнинг муаммо ва ечимлари” деб номланган иккинчи параграфидан янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ҳар бир шахснинг тарихий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш борасида юзага келаётган муаммолар сифатида қуйидагилар санаб ўтилган тавсифланган.

1. Оммавий ахборот воситаларида кишилиқ тарихнинг турли даврларида жамиятнинг тараққий этиши ва таназулга учрашига сабабчи бўлган тарихий шахсларни кўпчиллик ёшларнинг билмаслиги. Масалан, 2019 йилда Жиззах вилоятида яшаётган 364 нафар ёшлар ўртасида шу масала бўйича ўтказилган

<sup>1</sup> Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Фан”, 2017. – Б.315.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б.13-14.

социологик сўровноманинг саволларига респондентларнинг 219 (72,6%) Чингизхонни, 231 (78,4%) нафари Алишер Навоийни, 129 (45,4%) нафари Нажмиддин Куброни, 269 (88,6 %) нафари Амир Темурни тарихий шахс эканлигини билдиришган. Демак, ҳали мамлакатимиз ёшлари тарихий шахсларнинг кимлигини тўлиқ билишмаслигини аниқлаган ҳолда, бу масалада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатиб берган.

2. Ёшларнинг тарихий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш масаласида сўралганларнинг 203 (55,7%) нафари интернетдан, 166 (51,3%) нафари оммавий ахборот воситаларидан, 145 (47,2%) нафари бадиий адабиёт асарларидан, 38 (13%) ва 71 (24,3%) нафари радио ва даврий нашрлар орқали ахборотлар олишини билдирган. Демак, муаммо, ёшларнинг тарихий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришда асосий звено бўлган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ахборотларнинг паст даражада тарқатилиши, уларнинг марказий бўғинлар билан уйғун олиб борилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

3. Ёшларнинг тарихий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги яна бир муаммо тарих ва тарихий жараёнларга оид билимларни оширишга интилиш 90% ёшларнинг қизиқиши борлиги, бироқ уларнинг қизиқишини таъминловчи объектив ва субъектив омилларнинг етишмаслигидир. Аниқроғи, мактабларда тарих фанини ўқитишнинг сифати пастлиги, унинг айнан шу тарзда олий ўқув юртларида такрор ўтилиши, ҳаққоний тарихни ёритиш бўйича янги авлод дарсликларининг яратилмаганлиги, мутассадиларнинг жойлардаги топономик тарихий номлар ва ёдгорликларга нисбатан бефарқлиги, архивларнинг очик эмаслиги, музейларнинг қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилганлиги, яқин вақт ичида содир бўлган тарихий воқеаларнинг иштирокчилари билан номигагина учрашувларнинг ўтказилиб бориши кабиларнинг сабаб ва оқибатлари, уларни бартараф этишнинг оптимал ечимларини топиш бўйича тавсиялар берилган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тарихий дунёқараш субстанционал моҳиятига кўра ворисийлик хусусиятини ифодалайди ва бу тушунчани тадқиқ этилиши нақадар тўғрилигини тасдиқлайди.

2. Тарихий дунёқарашга муносабат ҳозиргача мавжуд бўлган фан ютуқлари динамикасида, унинг ривожлантириш тенденциясида ва натижаларидан келиб чиқиб, мавжуд хулосаларни ривожлантириш бугунги фанларнинг долзарб муаммосидир.

3. Тарихий дунёқараш тушунчаси ижтимоий фалсафий термин сифатида тарих фалсафасига ижобий таъсир кўрсатган. Чунки, тарихий дунёқарашнинг субъекти бу онгли инсондир. Шу боисдан тарихий дунёқарашнинг муҳим компонентлари ҳисобланмиш тарихий хотира ва тарихий онг субъектив

жараён сифатида фалсафа тарихининг категорияси сифатида киритилиши лозим.

4. Тарихий хотира ва тарихий онг ворисийлик хусусиятига эга бўлганлиги учун (ўтмиш-бугун-эрта) рухий-маънавий, ижтимоий-фалсафий нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, миллий ғурур ва миллат тарихий хотирасига хос хусусиятларни ўрганиш, узок фалсафий тафаккур эволюциясига алоқадорлигини тадқиқ этиш керак.

5. Барча замонларда ижтимоий муҳитга ўз таъсирини ўтказган диний-ахлоқий муносабатлар қадриятлар негизида шаклланган ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий мувозанатни барқарорлаштириш хусусиятига эга бўлган диний-ахлоқий қадриятларнинг тарихий дунёқарашга таъсири инкор қилиб бўлмайдиган далилдир.

6. Тарихий мерос ва қадриятлар миллатнинг этник асосини ташкил этади. Бу эса, фалсафий, диний, тарихий дунёқараш хусусиятига хосдир. Демак, тарихий дунёқараш миллатнинг асл хусусиятини очишга ёрдам беради.

7. Тарихий хотирани чуқур билиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш уни, Ватанни асраб авайлашга бўлган келажагимизни одилонга белгилаб олишимизга ёрдам беради. Бу тарихий дунёқарашнинг миллий ўзликни англаш жараёнига таъсирини ўтказиш хусусияти билан ажралиб туради.

8. Таълим ва тарбия орқали ўсиб келаётган ёш авлодга ўтмиш тажрибасини мерос қолдириб, бу жараённинг ворисийлигини таъминлаб, замонларни бир-бирига боғловчи, образли қилиб айтганда, тарих ўтмиш эстафетасини келажакка элтувчи ҳалқа сифатида намоён бўлади.

Юқорида баён этилган хулосаларга таяниб, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ижтимоий – гуманитар фанлар ўқув дастурларига “тарихий дунёқараш” тушунчасини, мазмун-моҳиятини очиб берадиган қўшимча мавзуларни киритиш.

2. Соҳага оид мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда миллий тарихий меъросни тадқиқ этиш, жамлаш, тарғиб қилиш мақсадида “Мозийдан садо” нодавлат фонди ва унинг тарғибот “web-sayt”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

3. Ёш авлодни тарихга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда тарихий дунёқарашни шакллантириш мақсадида маҳаллий ўлкашуносликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, ҳар ойда ёшлар учун музейларда “очиқ эшиклар кунлари”ни ташкил этиб, ушбу кунларда музейларга текин киришлари учун шароит яратиш мақсадга мувофиқ;

4. “Тарих” ва “Фалсафа” фанлари бўйича педагоглар тайёрловчи олий ўқув юртлари ўқув фанлари тизимига “Тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англаш асослари” ўқув курсини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларни тарихимизга нисбатан қизиқишларини кучайтириш, уларда тарихни ўрганишга рағбат ҳиссини уйғотиш мақсадида рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда юртимиз худудида жойлашган тарихий обидалар ва муқаддас

қадамжоларнинг харитаси, уч ўлчамли кўриниши, тарихий хусусиятларини ўз ичига олган электрон платформасини яратиш ва унда “ONLINE TURIZM” хизмат турини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

**РАЗОВОЙ УЧЁНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**РУЗИЕВ АНВАР ЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ВОПРОСЫ ИСТОРИЧЕСКОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ И  
НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**09.00.03 – История философии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.1.PhD/Fal163.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)), по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

**Научный руководитель:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Каримов Сайимназар Каримович**  
доктор философских наук, доцент

**Махмудов Равшан Жалилович**  
кандидат философских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 году в \_\_\_ часов в заседании разового ученого совета на базе ученого совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 239-64-90; факс: (8366) 231-15- 86, (8366)235-27-24; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz). Факультет истории Самаркандского государственного университета, 1 этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за №\_\_\_). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15-дом. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол реестра №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ш.Ш.Негматова**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук (DSc), доцент

**Х.А.Джуракулов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии ( PhD) по филос.н., доцент

**А.Р.Самадов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Стремительное культурное сближение в современном мире на сегодняшний день также влияет на духовные ценности, процесс осознания национального самосознания и особенно историческое мировоззрение народов. Особенно в нынешних условиях глобализации проблема сохранения национального самосознания через формирование исторического мировоззрения признается не только как фактор, обеспечивающий уникальное развитие наций, но и как необходимость обеспечения их выживания. В этом смысле обеспечение развития человеческой цивилизации на основе принципов культурного разнообразия, взаимопонимания, признание роли каждой нации в общем культурном развитии человечества, сохранение национальных особенностей народов, сформировавшиеся на протяжении их истории и веков стало актуальным вопросом, не уступающим по важности другим глобальным проблемам.

В мировой науке ведутся широкомасштабные научно-теоретические исследования по изучению исторического мировоззрения и особенностей его формирования, вопросов национального самосознания. В частности, основным направлением стало изучение роли исторического мировоззрения в определении общих и частных аспектов исторического сознания и памяти, роли наследственности, национальной идентичности и развитии национальной культуры. Вместе с тем, в условиях, когда процесс культурной универсализации усиливается и представляет серьезную угрозу самобытности народов, формирование исторического мировоззрения и сохранение национальной идентичности и передача национальных особенностей будущим поколениям является научно-теоретической, а также практической задачей.

Проводимые в нашей стране масштабные реформы требуют разработки новых подходов к различным аспектам социальной и духовной жизни. Эти реформы немыслимы без основанных на нашей национальности духовности, национального самосознания, исторической памяти и исторического мировоззрения. «Нам необходимо понимать нашу национальную идентичность, изучать древнюю и богатую историю нашей Родины, проводить исследования в этой связи, всячески поддерживать деятельность ученых гуманитарной сферы»<sup>1</sup>. Следовательно, существует объективная потребность в формировании и повышении исторического мировоззрения населения, особенно молодежи, для усиления понимания национальной идентичности и ускорения исследований в этой области.

Указы Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», №УП-5106 от 5 июля 2017 года «О мерах по повышению эффективности государственной

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халкнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаравон бўлади. III-том. – Ташкент: Узбекистан, 2019. –С.38.

молодежной политики и поддержке деятельности союза молодежи Узбекистана», Распоряжение Президента Республики Узбекистан, №Р-5598 от 8 октября 2020 года «О дополнительных мерах по более глубокому изучению наследия и увековечению памяти жертв репрессий», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4884 от 6 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», Указ Кабинета Министров Республики Узбекистан №1059 от 31 декабря 2019 года «Об утверждении непрерывной духовно-воспитательной концепции и мерах её реализации», а также реализации задач, поставленных в других положениях, связанных с этой деятельностью в определенной степени служит данное диссертационное исследование.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий.** Республики Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Такие вопросы, как особенности исторического мировоззрения, связь принципа историчности с историческим мировоззрением, а также неразрывная связь формирования исторического мировоззрения с социокультурными условиями, изучались зарубежными учеными Х. Визером, П. Гамильтоном, У. Моррисом<sup>1</sup>.

Ученые СНГ А.И. Ракитов, Н.С. Розов, А.Х. Самиев, Ю.И. Семенов<sup>2</sup> проанализировали взаимосвязь исторического мировоззрения с философским мировоззрением, историческим сознанием и пониманием социальной идентичности. В частности, подробно рассматриваются такие вопросы, как воображение и восприятие истории в целом, историко-гносеологические особенности познания, отношение к прошлому, основанное на принципе историзма, аксиологические аспекты оценки, особенности субъективного отражения законов исторического развития.

